



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 3 май, № 86 (8709)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИНВЕСТИЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ДРАЙВЕРИ



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли форум иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этаётган сиз, азизларни чин қалбимдан самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Шунинг билан таъкидлашни истардимки, йилдан-йилга яхши анъанага айланиб бораётган ушбу формат доирасида юртимизда дунёнинг барча қитъаларидан янгидан-янги ишончли ҳамкорларимиз жам бўлмоқда. Ўтган уч йил давомида мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммо-

ларни муҳокама қилиш, илгор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдониغا айланди. Бугунги тадбиримизга 93 та давлатдан икки ярим мингдан ортиқ хорижий меҳмонлар келгани ҳам форумнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ортга қайтмас тус олган ислохотларга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга бўлган улкан қизиқишдан далолат беради. Хурматли форум қатнашчилари! Бугунги анжуманимиз глобал гео-

сий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар кучайиб бораётган даврга тўғри келмоқда. Дунё тартиботида чуқур трансформация жараёнлари кечмоқда. Товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узилишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши — вазият нақадар беқарор ва заиф эканини яққол кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаймоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвес-

тициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам қуттилган умидларни оқламайпти. 2023 йилда ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайди. Албатта, биз бугун жаҳонда инвесторлар учун мислсиз кураш кетаётганини яхши тушунамиз. Бироқ бир ўзгармас ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда. Ҳеч бир мамлакат бу каби ўткир муаммоларни яқка ҳолда ҳал эта олмайди. Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш таъминли узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам астуни бўлиб қолаверади.



### БИЗНЕС ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН ЧИНАКАМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Тошкент бугун яна дунё нигоҳида. Сайёрамизнинг барча қитъасидан келган йирик инвесторларнинг пойтахтимизда жам бўлиши ва ўзаралик мукамал лойиҳа ҳамда инвестициялари билан иштирок этиши жуда қувонарли, албатта. Негаки, дунё қалқиб турган, жаҳонда инвестиция киритиш даражаси пасайиб бораётган, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари хатарли тус олган бир пайтда 93 та мамлакатдан 2,5 мингдан ортиқ бизнес ва банк-моллия соҳаси вакилларининг Ўзбекистонга етиб келиши, бу юртимизда инвестиция муҳити барқарорлиги, тинчлик ва хотиржамлик ҳўки сураётгани шарафатидан, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида ўтказилган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми очилиши олдида иштирокчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳақидаги видеороликларни томоша қилиш имконига эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.



## ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май кuni Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Сингапур Республикаси Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Саудия Арабистони энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд бошчилигидаги делегация, Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёт вазири Абдулла бин Ал Маррий бошчилигидаги делегация, Ўмон Султонлиги савдо, саноат ва инвестицияларга кўмаклашиш вазири Қайс бин Муҳаммад ал-Юсуф, БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котиби Татьяна Молчан ва Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Президенти ёрдамчиси Максим Орешкинни қабул қилди.



Сингапур Республикаси Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг суҳбат аввалида мамлакатимиз етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва форум юксак даражада ташкил этилганини эътироф этди. Ўтган бир йилда Ўзбекистон — Сингапур муносабатларида улкан натижаларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Иккита давлат ташрифи муваффақиятли ўтказилди, товар айирбошлаш ҳажми, қўшма лойиҳалар сони, шу жумладан, тўқимачилик ва кимё, қишлоқ хўжалиги, логистика ва бошқа тармоқларда изчил ошиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш, инвестициялар, туризм ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Олий даражадаги келишувлар устидан биргаликда самарали парламент назоратини ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди. Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров суҳбат аввалида Ўзбекистон етакчисига Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг самимий саломини етказди. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви феолаштириш масалалари кўриб чиқилди. “Қамбарота ГЭС-1” ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаларининг амалий жихатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида кўп қиррали шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Саудия Арабистони энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисига Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистонда устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели 30 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда энергетика тармоғини ривожлантиришга энг кўп инвестиция киритган “ACWA Power” компанияси билан самарали ҳамкорлик қилинаётгани таъкидланди. Бу галги форум доирасида “яшил” энергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида 18 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда янги лойиҳаларни илгари суриш зарурлиги қайд этилди. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёт вазири Абдулла бин Ал Маррий учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Бош вазири

Шайх Муҳаммад Ол Мактум, вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва Абу-Даби Валиаҳди Шайх Холид Ол Наҳаённинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида шериклик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри авиақатновлар сони ошиб бормоқда. Икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокидаги лойиҳалар портфели 4 миллиард долларга етди. Энергетика, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни тезлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўмон Султонлиги савдо, саноат ва инвестицияларга кўмаклашиш вазири Қайс бин Муҳаммад ал-Юсуф учрашув бошида давлатимиз раҳбарига Ўмон Султони Хайсам бин Ториқ Ол Саиднинг самимий саломини етказди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий йўналишларда кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, туризм, геология, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё соҳаларида, шу жумладан, Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси кўмагида лойиҳаларни амалга ошириш учун катта салоҳият борлиги қайд этилди. Яқин фурсатда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва қўшма бизнес форумини ўтказишга келишиб олинди.

Трансафгон темир йўлини қуриш ҳамда Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ўмон транспорт йўлагини илгари суриш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котиби Татьяна Молчан суҳбат аввалида Президентимизга БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди. Минтақа ва мамлакат миқёсидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ўтган йил ноябрь ойида Боку шаҳрида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари комиссия 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги муҳим ўрнини, унинг транспорт, инновация, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва гендер тенглик, Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши масалаларидаги кўмагини қайд этди. 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган СПЕКАни ривожлантириш концепциясини тез фурсатда қабул қилиш, дастурнинг Мақсадли жамғармасини ишга тушириш ва қатор концептуал ҳужжатларни тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Россия Федерацияси Президенти ёрдамчиси Максим Орешкин учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди ҳамда форумнинг муваффақиятли натижалари билан табриклади. Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш доирасида олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Товар айирбошлаш барқарор суръат билан ўсаётгани, саноат, энергетика, транспорт, металлургия, кимё ва бошқа тармоқларда муҳим лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил 22 — 24 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси якунлари юксак баҳоланди. Юқори технологиялар, таълим, спорт, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ДРАЙВЕРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

➡ Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташладик. Айнан шу боис ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотларни амалга оширяпмиз.

Сизлар яхши биласиз, бундан етти йил муқаддам биз учун осон бўлмаган, лекин катта марраларни кўзлаган тизимли ислохотларни бошлаган эдик. Биз иқтисодиётни эркинлаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтиришни асосий мақсадимиз этиб белгилادик.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Утган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмиси кўрсаткичлари муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта заҳиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Охириги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди.

Утган йилнинг ўзига хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Шу ўринда энергетика соҳасида “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren”, “Voltaia”, “Calik” ва “Akso”; кимё sanoatida “Air Products”, “Indorama” ва “CAMCE”, тоғ-кон ва металлургияда — “Ogano” ва “DANIELI”, автомобилсозлик ва электротехника йўналишларида “BYD”, “Kia” ва “Samsung”, қурилиш соҳасида “Koc” ва “KNAUF” каби дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва sanoat лойиҳалари ишга туширилгани ва юз минглаб янги иш ўринлари яратилганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Бугунги форум доирасида дунёнинг илгор компаниялари ҳисобланган “Linde”, “Oxascom”, “DataVolt”, “Bonafarm”, “PASHA Holding” ва бошқа шерикларимиз иштирокида янги йирик лойиҳаларга старт берамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу ишга ўзининг нуносиб ҳиссасини қўшаётган хорижий инвесторларга, барча ҳамкорларимизга ўзининг чуқур ва самимий миннатдорлигини изҳор этаман.

Биз тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқа устувор йўналишларда қатор аниқ чораларни ишлаб чиққанмиз.

Давлатимиз бозор муносабатларини ривожлантиришни, инвесторлар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини, қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олмоқда.

Биз бу тамойилларни утган йили умумхалқ референдумида қабул қилинган янги Конституциямизда қатъий муҳрлаб қўйдик.

Сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қўчайтириш мақсадида бугун сизларга қатор аниқ тақлифларни билдиришмоқчиман.

Биринчидан, янги таҳрирдаги “Инвестициялар тўғрисида”ги қонунни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат Жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармиси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига бу борадаги яқин ҳамкорлиги учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Иккинчидан, тез орада мамлакатимизда Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳузурида Халқаро тижорат суди иш бошлайди. Ушбу суд Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринга эга бўлади. Бунинг учун яқин муддатларда махсус қонунни қабул қиламиз. Процессуал кодексларга ушбу халқаро тижорат суди қарорлари тўлақонли ҳоким этилишига оид меъёрларни ҳам киритамиз.

Учинчидан, яқин вақтда sanoat зоналари тизимида мутлақо янгича ёндашувларни жорий этамиз.

Юқори технология лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қўлай шарт-шароитлар яратилади. Sanoat зоналарини бошқаришда хусусий операторлар, жумладан, юқори маалакли хорижий компанияларни фаол жалб қилиш амалиёти кенгайтирилади. Махсус иқтисодий зоналар фаолият мuddатлари бўйича чекловлар ҳам бекор қилинади.

Хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш мuddати 25 йилдан 49 йилгача, яъни икки баробар узайтилади. Бунда қонунлар билан қаролатилган амалдаги имтиёз ва преференциялар тўлиқ сақлаб қолинади.

Бу масалаларнинг барчасини эртага Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида батафсил муҳокама қиламиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Тизимли ислохотларни давом эттириш, қучли ва фаровон давлат қуриш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қабул қилдик. Бу муҳим ҳужжат

да барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ислоҳ қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича 100 та аниқ вазифа ўз аксини топган.

2030 йилга бориб аҳоли даромадларини икки баробар ошириш ва ушбу кўрсаткич бўйича ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришни мақсад қилиб қўйганмиз.

Иқтисодиётда чуқур трансформация жараёнларини, қўлай инвестиция ва бизнес муҳити ҳамда sanoatда юқори қўшилган қийматни яратишни изчил давом эттирамиз.

Шу ўринда ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни кенгайтириш бўйича устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш: “яшил” энергетика. Энергетика тармоғи самардорлигини ошириш бугун минтақамиз учун долзарбдир. Бу борада мамлакатимизда 28 та лойиҳа устида ишлар давом эттирилмоқда.

Биз 2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганмиз.

Утган йилнинг ўзига 1,4 гигаватт қувватдаги йирик шамол ва кўёш электр станцияларини стратегик шерикларимиз бўлган “Masdar”, “Gezhouba”, “China Energy” компаниялари билан ишга туширдик. Шунингдек, “ACWA Power” билан “яшил водород” ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳам бошлаб юбордик.

Энг эътиборли хикмати — ушбу муҳим лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Бугун форум доирасида сиз, инвесторларимиз учун қўшни Қирғизистон ва Тожикистондаги гидроэлектр станцияларини биргаликда қуриш лойиҳалари тақдимотиини ўтказамиз. Ушбу йўналишда барча давлатлар етакчи компанияларини очик мулоқот ва амалий ҳамкорликка тақлиф этамиз.

Иккинчи йўналиш: банк-молия соҳаси. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қўллаб-хусусий банклар очилди. Бозоримизга Европанинг етакчи банклари кириб келди. Қатор рақамли банклар ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган “Асакабанк”ни хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки билан бошқа йирик банкларимизнинг трансформацияси ва ху-

сусийлаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда.

Молиявий ресурсларга талабни қондириш учун капитал бозорини ривожлантириш бўйича ёндашувлар қайта қўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда халқаро молиялаштириш инструментларини ривожлантириш устида иш олиб борилмоқда. Хорижий сармоялар оқими бир неча баробар ортиши, корпоратив бошқарув сифати ошиши, янги етакчи банк-молия институтлари кириб келишини кутиб қоламиз.

Учинчи йўналиш: фойдали қазилмалар. Ўзбекистон — минерал ресурслар ва муҳим металлларнинг катта базасига эга мамлакатдир. Юртимизда олтин, мис, вольфрам, кумуш, ураниннг улкан заҳиралари mavjud. Нодир ва ноёб минераллар қаторида литий, магний, молибден, германий, ванадий ва индий каби 30 дан ортиқ металлларнинг заҳираларига алоҳида эътибор қаратишни истардим.

Утган ойда Европа Иттифоқи билан ўта муҳим хомашё соҳасида стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия билан ҳам шундай битим устида иш олиб бoryапмиз.

Бу борада замонавий халқаро тажриба асосида янги таҳрирдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Шу ўринда Европа тикланиш ва тараққиёт банкига бу ишдаги салмоқли ҳиссаси учун алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Стратегик хомашёларни чуқур қайта ишлаш ва қўшилган қиймат занкирини яратиш учун етакчи компанияларни Ўзбекистонга тақлиф этамиз.

Тўртинчи йўналиш: мамлакатнинг IT трансформацияси. Бир йил ичида IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти икки баробар ошди. Келажакда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз.

IT-парк резидентлари сони ўн баробар кўпаяди, келгусида 100 минг янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, унинг базасида хорижий компаниялар учун Рақамли технологиялар халқаро маркази яратилмоқда.

Бу борада Саудия Арабистонининг “Data Volt” компанияси билан “яшил” энергия асосида ишлайдиган “Маълумотлар маркази”ни барпо этапмиз. Бу мамлакатимизни рақамли иқтисодиётга ўтказиш ва сўнғий интеллект асосида технологияларни жорий этишга улкан туртки бағишлайди, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчи йўналиш: транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Қўлай ва замонавий транспорт тизимларини яратиш вазифасига устувор эътибор қаратяпмиз.

Темир йўл соҳасида туб ислохотлар олиб борилмоқда, тармоққа хусусий инвесторларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Пуллик автомобиль ва теъзорар темир йўлларни қуриш бўйича қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Тошкент, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларини ривожлантириш ва янгиларини қуриш бўйича салоҳиятли хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик лойиҳалари тайёрланмоқда.

Маълумки, биз хорижий шерикларимиз билан биргаликда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлларини қуриш бўйича дастлабки ишларни бошладик.

Ушбу стратегик лойиҳалар минтақадаги геониктисодий вазиятни бутунлаштириб, Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантиради.

Биз инвесторларни ва халқаро ташкилотларни бу йирик минтақавий лойиҳаларда қатнашишга, Буюк Ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклашга тақлиф қиламиз.

Азиз дўстлар! Янги Ўзбекистон — беқиёс имкониятларга эга, адолатли ва жадал ривожланаётган дунёвий мамлакатдир.

Биз ҳар куни ҳаётга таътиб эътиётган улкан гоё ва буюк орузларимизнинг асосий илҳом манбаи — бу, энг аввало, меҳнаткаш ва олийжаноб халқимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, бугун бу ерда йиғилган инвесторлар ўзларининг энг илгор технология ва тажрибалари, янги тақлиф ва ёндашувлари билан бизни фақат олға юришга ундайди.

Сизларга муҳим бир фикрни етказмоқчиман: ҳар бир ташаббус, ҳар бир лойиҳангиз бўйича давлатимиз, ҳукуматимиз азъолари сизларга елкадош бўлиб, ёнингизда туриб, уларни тўлиқ амалга оширишда яқиндан ёрдам беради.

Шундай қилсак, сизларга mavjud бўлади, деб ўйлайман.

Инвестициялар — бу мамлакатимиз трансформациясининг локомотиви ва иқтисодий тараққиётиимизнинг мустаҳкам драйверидир.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги Халқаро инвестиция форуми ва сермахсул музокара-лар амалий ҳамкорлигимизни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги, янада юксак босқичга олиб чиқишига ишонаман.

Барчангизга анжуманимизда иштирок этаётганингиз учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

## БИЗНЕС ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН ЧИНАКАМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ



➡ Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бугунги анжуман глобал геосийосий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар қучайиб бораётган даврга тўғри келаётганини қайд этди.

Дунё тартиботида чуқур трансформация жараёнлари кечмоқда. Товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узлишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг қамайиши, иқлим офатларининг қучайиши — вазият нақадар беқарор ва заиф эканини аққол кўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаймоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам кутилган умидларни оқламайпти.

“Албатта, биз бугун жаҳонда инвесторлар учун мислсиз қураш келатганини яхши тушунамиз. Бироқ бир узгармас ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда. Ҳеч бир мамлакат бу каби ўткир муаммоларни яқин ҳолда ҳал эти олмайдди. Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили узок мuddатли ҳамкорлигининг мустаҳкам устуни бўлиб қолаверадиган”, деди Президент.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Утган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмиси

Шу ўринда таъкидлаш зарур, Тошкент инвестиция форуми йил сайин халқаро ишбилармон доираларда тобора юксак эътироф қозонмоқда.

Хорижлик сармоядорларнинг форумга қизиқиши юқорилигини имзоланаётган янги шартномалар мисолида ҳам қуриш мумкин. Айтиш жоизки, бу галги форум самараси нафақат давлат мекёсида сезилади, балки ҳар бир оилага кириб борадиган мегалойиҳалар учун асос бўлади. Бундай фикрлар хорижлик экспертлар томонидан билдириляпти.

Маълумотларга кўра ўтган йили 11 миллиард долларлик 164 битим ва шартнома қучга кирган, учинчи анжуманда эса 20 миллиард доллардан зиёд қийматга эга жами 90 та келишувга эришиш кутилляпти. Энг муҳими, мунтазам равишда Ўзбекистонга қизиқиш ортиб, иқтисодиётимизга сармоя киритиш истагидаги давлатлар рўйхати кенгаймоқда.

Хорижлик экспертлар фикрича, айниқса, халқаро майдонда кузатилаётган инкироз даврида Тошкент халқаро инвестиция форумининг муҳим аҳамияти кўзга аққол ташланмоқда.

— Форумда айтиб ўтилганидек, ҳеч бир давлат бугунги қуннинг ўткир муаммоларини бир ўзи енга олмайдди, — дейди америкалик инвестор Жойс Уильямс. — Биз ўз сармояимизни Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти учун киритар эканмиз, фақат фойда олишни кўзламаймиз. Балки бу ерда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, табиёёт соҳасини ривожлантириш, қайта ишлаш каби соҳаларнинг барқарор тараққи этишига ҳисса қўшамиз. Бу эса янги иш ўринлари очиш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўнгги уч йилда мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илгор гоё ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланиган ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

— Айниқса, анжуманда хорижий инвесторларни уч йил мuddатга акциялар ва дивидендлар бўйича солиқлардан озод қилиш ҳақида айтилгани қўллаб сармоядорларни

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИГА АЙЛАНМОҚДА

### Хорижий экспертлар ва иштирокчилар учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида

2 май куни пойтахтимизда учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини бошлади. Форумга дунёнинг 93 мамлакатидан 2,5 мингдан зиёд хорижий ишбилармон ва сийёсий доиралар вакиллари таширф буюрди.

Форумда бевосита иштирок этаётган ва уни кузатиб бораётган хорижий экспертлар ўз шарҳларида ушбу тадбир Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган стратегик ташаббус ҳамда лойиҳаларни эълон қилиш платформасига айланганини таъкидламоқда.

### Акс садо

**Нина ЛИНДЕ, Латвия Фанлар академияси Иқтисодий институти директори, профессор:**

— Утган вақт мобайнида Тошкент халқаро инвестиция форуми Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик бизнес музокаралар платформаси мақомига эга бўлди.

Бугун тадбирда инвестициявий, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни оширишнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда, бизнес юртишда янги гоёлар ва ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Тошкентга дунёнинг 93 давлатидан икки ярим мингдан зиёд хорижлик меҳмонлар таширф буюргани форумнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистонда мунтазам ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар мамлакатдаги инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, эркин савдо йўлидаги барча тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш ва сармоявий фаолиятни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўрилган чора-тадбирлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи шундан иборатки, утган йил якунида иқтисодий ўсиш 6 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси 9 фоизга тушди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари изчил ўсиб бормоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта заҳиралари барқарорлиги сақланиб қолинмоқда.

**Морис ГАТТАС, Катарнинг «Power International Holding» компанияси бош директори ўринбосари:**

— Сўнгги 6 ой ичида Ўзбекистонга бир неча маротаба таширф буюрдим ва мамлакатда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижа-

си — ижобий ўзгаришларнинг гувоҳига айландим.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сазй-ҳаракатлари ва мамлакатни барқарор ривожлантириш йўлида қабул қилаётган қарорлари натижасида янги Ўзбекистон Марказий Осиёда чет эл компаниялари учун энг ишончли ҳамкорга айланди. Ўзбекистон раҳбарининг форумдаги нутқида таъкидланган “Бизнинг асосий мақсадимиз — Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узок мuddатли ҳамкорга айлантиришдир”, деган сўзлари бунинг яқол исботидир.

Давлатда бозор муносабатларини ривожлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланиши тамойиллари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлангани, шубҳасиз, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Тимоти СМАРТ, Буюк Британия элчиси:**

— Янги Ўзбекистон тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Ишбилармонлик муҳити ва экоти-змни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш имкониятларини топишга, Буюк Британия билан савдо алоқаларини кенгайтиришга биргаликда интиламиз. 2016 йил охиридан буён мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш даражаси менда катта таассурот қолдирди. Бу, ҳақиқатан ҳам, ажайиб. Таълимдан тортиб “яшил” иқтисодиётга бўлган соҳаларда ҳамкорликда ишлашини мумкин бўлган қўллаб имкониятларни қўряпман.

«Дунё» АА.

Учрашув

Ўзбекистон — Сингапур: ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шу йил 2 май кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Сингапур Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида Сингапур делегацияси вакиллари икки мамлакат раҳбарларининг таширфлари натижасида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилганини алоҳида эътироф этдилар. Мулоқот чоғида парламентлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, илм-фан ва таълим, савдо-иқтисодий ҳамда давлат бошқаруви ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалалари, коррупцияга қарши курашиш борасидаги амалий алоқалар муҳокама қилинди. Шунингдек, парламентлараро фаол ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги барча даражадаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим механизмлардан бири эканлиги қайд этилди. Яқунда парламентлар кўмиталари ўртасида амалий ҳамкорлики йўлга қўйишга ва “дўстлик гуруҳлари” фаолиятини жадаллаштиришга келишиб олинди.

САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Сингапур Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли давлатлараро муносабатларда янги давр бошлангани, Ўзбекистон ва Сингапур халқлари дўстлиги мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Учрашувда делегация аъзоларига “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган ўстувор вазифалар, унинг доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқариш борасидаги савий ҳаракатлар ҳамда Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон — Сингапур ўртасидаги парламентлараро алоқаларни кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, маданий-гуманитар алмашинув бўйича мулоқотларни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Сингапур Парламенти Спикери сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан барча соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни алоҳида эътироф этиб, Тошкент инвестиция форуми мисолида бунинг гувоҳи бўлганини қайд этди. Мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб масалаларни муҳокама қилиш ҳамда муҳим илғор гояларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот кўчидан айлантирилганлиги юқори баҳоланди. Мулоқот чоғида, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация, туризм ва бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари хусусида ҳам суз юритилиб, олий даражадаги келишувлар ихроси устидан биргаликда самарали парламент нозоратини ўрнатишга келишиб олинди. Учрашув самимий ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР КОНЦЕПЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ



Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш доирасида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш йўналиши бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатида

Мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини трансформация қилиш, барча ишларни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйиш, “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” гоясини ҳаётимизга татбиқ қилиш

Хусусан, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш йўналиши бўйича ишчи гуруҳи шакллантирилди. Мазкур ишчи гуруҳнинг мажлисида концепция ва уни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури лойиҳаларида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг

мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш йўналиши бўйича вакиллик органларини том маънодаги ҳокимият институтига айлантириш, бу йўналишда янги тартиб-таомилларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда ишчи гуруҳ аъзоларининг қатор вазифалари белгилан олинди. Халқ депутатлари Кенгашларининг самарали фаолият юритишга тўққинчи қилаётган омил ва сабабларни таҳлил этиш, вакиллик органлари фаолиятига оид хорижий тажрибани ўрганиш ва шундан келиб чиққан ҳолда концепция лойиҳаси юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНГА ҲАМ, ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАРГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Пойтахтимиз яна бир нуфузли анжуманга, яъни учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумига мезбонлик қилмоқда. Унда қатнашиш учун дунёнинг 93 та давлатидан 2,5 минг нафардан зиёд меҳмонлар ташириф буюргани ҳам унинг қанчалик аҳамияти юксаклигини кўрсатиб турибди. Мухими, унинг доирасида нафақат Ўзбекистон, балки хорижий давлатлар учун манфаатли бўлган тақлиф ва гоялар ўртага ташланмоқда.

Мушоҳада

Хусусан, форумнинг ялпи мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилди, долзарб мулоҳазалар билдирилди. Асосий мавзуга ўтишдан олдин мазкур нуфузли форум нима учун аини шу вақтда ўтказилаётганига доир мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Маълумки, кейинги даврда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган нотинчликлар ҳамда глобал экологик инқирозлар туфайли жаҳон иқтисодиёти мураккаб вазиятни бошдан кечирмоқда. Аниқ айтадиган бўлсак, товар ҳамда хизматларни етказиб бериш занжирларида яққол узилиш кўзга ташланмоқда. Натижада халқаро савдо пайсамоқда, инвестиция оқимларида ҳам камайиш очик сезилипти. Бунинг салбий оқибати сифатида биргина ўтган йилнинг ўзида ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайганлигини келтириш мумкин. Шу каби ҳолатлар инвесторлар учун курашни юзага келтириб чиқаргани ҳам бор гап. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, бугун жаҳонда инвесторлар учун мислсиз кураш кетаётганини яхши тушунамиз. Бироқ бир ўзгармас ҳақиқат нобара ойдинлаш-

моқда. Ҳеч бир мамлакат бу каби ўткир муаммоларни яқка ҳолда ҳал эта олмайд. Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам устуни бўлиб қолаверади. Ҳўш, Ўзбекистонда инвесторларни жалб этиш учун нималар қилинди ва яна олдимизда қандай вазифалар турибди? Аввало, юртимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқинча-босқинч бартараф этиш йўлида дадил қадамлар ташланганини айтиш зарур. Пировардида сўнгги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилингани ҳам диққатга сазовор. Яна бир мисол. Энергетика соҳасида дунёнинг етакчи компаниялари ва йирик брендлари билан 300 дан ортиқ

Ишонамизки, бўлиб ўтаётган халқаро форум бу борада биз учун ҳам, чет эллик инвесторлар учун ҳам фойдали мулоқот майдони бўлиб қолади. Яқунда айтиб ўтилган йўналишлар бўйича Ўзбекистонга сармоя киритадиган инвесторлар сафи кенгайди. Бу эса Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айланади, деганидир.

Анвар ТҲҲИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

Фикр ЖОЗИБАДОРЛИК ДАРАЖАСИ ОШАДИ, ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНΙΑТИ КЕНГАЯДИ

Бугун дунё саҳнида кузатилаётган бекарорлик шароитида ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик ривожланишининг муҳим шартига айланиб бораётгани ойдин ҳақиқат. Бу, айниқса, иқтисодиёт ва инвестиция йўналишларида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги шиддатли рақобат сармоядорлар учун бизнес юритишда қулай муҳитни яратиб бериш, ҳуқуқий кафолатларни тақдим этиш, имкониятларни янада кенгайтиришни тақозо қилади. Шу маънода, 2022 йилдан бошлаб аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми бу борада муҳим платформа вазифасини ўташи, шубҳасиз. Негаки, унда давлатимиз раҳбари томонидан хорижлик сармоядорлар манфаатларига мос келадиган бир қатор долзарб гоялар илгари сурилди, аниқроғи, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қиладиган аниқ таклифлар билдирилди. Дастлаб, янги таҳрирдаги “Инвестициялар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши айтилдики, бу ҳужжат Жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларини миллий қонунчилигимизга мослаштиришда ўзига хос асос вазифасини ўтаб беради. Бу борада бизни қўллаб-қувватлаб турганлар ҳам бор. Яъни Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти шу йўналишда биз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Президентимиз тез орада юртимизда Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳузурида Халқаро тижорат суди иш бошлашини маълум қилди. Бу биз ва хорижлик ҳамкорларимиз учун аини мудоаодир. Чунки ушбу суд юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринга эга бўлади ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялайди. Шу мақсадда махсус қонун қабул қилинади ва процессуал кодексларга мазкур халқаро тижорат суди қарорлари тўлақонли

ижро этилишига оид меъёрлар киритилади. Шунингдек, яқин истиқболда саноат зоналари тизимида мутлақо янгича ёндашувлар жорий этилади. Натижада юқори технология лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қулай шароит яратиб берилади. Саноат зоналарини бошқаришда хусусий операторлар, шу жумладан, юқори малакали хорижий компанияларни фаол жалб қилиш амалиёти кенгайтирилади. Яна бир муҳим янгилик сифатида хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача узайтирилишини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Мухими, муддат узайтирилиши баробарида қонунларимиз билан кафолатланган амалдаги имтиёз ва преференциялар ўз ўрнида қолдирилади. Бу эса юртимизнинг жозибадорлик даражасини оширади ҳамда инвесторларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиради. Кўриниб турибдики, олдимизга қўйилаётган вазифалар жудаам салмоқли. Пировард мақсад эса янги Ўзбекистоннинг бекиёс имкониятларга эга, адолатли ва жадал ривожланаётган дунёвий мамлакат сифатидаги мақомини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлиб қоладиган иш эмас. Бунда катта куч ва салоҳият муҳим роль ўйнашини яхши тушунамиз. Яъни бу улкан вазифаларни рўёбга чиқариш учун нафақат шу ишларга масъул бўлган идоралар вакиллари, аини чоғда биз, сенаторлардан ҳам катта масъулият ва фидойилик талаб этилади.

Улуғбек ФАЙЗИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР БУТУН ДУНЁГА КАТТА МАНФААТ КЕЛТИРАДИ

Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми халқимиз турмушини яхшилаш бўйича Ўзбекистон дунёга очик сиёсат юритаётганининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу нуфузли форумда жаҳондаги номдор ташкилотлардан вакиллар қатнашаётгани, юртимиздаги изчил иқтисодий, ижтимоий ислохотларга юқори баҳо бераётгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари мазкур тадбирнинг аҳамияти ҳақида ўз муносабатларини билдирди.

Муносабат

Натижалар ҳаётимизда акс этмоқда

Ақтам ҲАИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари: — Президентимизнинг форумнинг очилиш маросимидаги иштироки ва нуқт сўзлагани анжуманнинг нуфузини янада ошириши баробарида, бутун дунё ишбилармонларида катта таассурот қолдирди. Ушбу тадбир икки ва кўп томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлаш, янги бизнес имкониятларини кашф этишга, қўллаб янги иш ўринлари очишга туртки бўлади, десак, янглишмаймиз. Албатта, сўнгги йилларда янги Ўзбекистон ўз олдида қўйган юксак марраларга эришишда халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани, хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар эшиги очилаётгани, шубҳасиз, чет эллик малакали мутахассислар, рақобатбардор меҳнат ресурсларини жалб қилишга замин яратмоқда. Ислохотлар, биринчи навбатда, инсон қадрини оширишга қаратилгани, маҳаллий ва чет эллик инвесторлар тенг ҳуқуқлар асосида бизнес қилиши

учун имкониятлар яратилаётгани Ўзбекистонга сармоя киритиш истигади бўлган хорижлик сармоядорларга ишонч ва куч бағишламоқда. Ўтган даврда инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишлар бажарилиди. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди. Инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилиш борасида катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада маъмурий судларнинг нуфузи оширилиб, уларга қатла ваколатлар берилди. Асосийси, натижалар фақат қоғозларда эмас, бевосита ҳаётимизда, тадбиркорлар фаолиятида акс этмоқда. Шу боис учинчи маротаба ўтказилаётган форум ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. Булар асосида давлатимиз раҳбари томонидан бизнес ривожига қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилдики, уларнинг барчаси юртимизда тадбиркорликнинг кенг қўлоч ёйиши, ишбилармонлар сафи янада кенгайишига туртки беради. Инвестиция соҳасини янада ривожлантириш ЎзЛиДеП гоя ва мақсадларидан бири бўлиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларда партиямиз фаол иштирокчи бўлди. Янги таҳрирдаги “Инвестициялар тўғрисида”ги қонун қабул қилинишида ҳам партия фаоллари ва фракциямиз аъзолари ташаббускор бўлишади. Чунки ушбу

Ўзбекистон ўзгарди, бошқаларни ҳам ўзгаришга даъват қияпти

Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари: — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инвестиция форумидаги нутиқда қайд этилганидек, бугунги анжуманимиз глобал геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланаётган йўлида ҳаф ва таҳдидлар кучайиб бораётган даврга тўғри келмоқда. Маълумки, бугунги глобал геосиёсий ҳамда геоиқтисодий мураккабликлар ва трансформациялар даврида ҳар бир давлат ўз йўлини топишга ҳаракат қилмоқда. Инвесторлар учун ҳам мислсиз кураш кетаяпти. Биронта давлат муаммоларини яқка ўзи ҳал этолмаслиғи борган сари исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланган бир шароитда энг зарур инвестиция, бу — ўзаро ишонч экани маълум бўляпти. Шу маънода, мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этадиган бундай нуфузли анжуманнинг

юртимизда ўтказилаётганида рамзий маъно бор. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ислохотларининг биринчи қадами, бу — Марказий Осиё давлатлари билан қўшничилик муносабатларини тиклаш, Ўзаро ишончини мустаҳкамлаш, бу орқали дунёга ён қўшилган билан қандай ҳамкорлик қилиш кераклигини кўрсатиш бўлди ва бу қисқа даврда қутилганидан ҳам яхши натижа берди. Бу бугун дунёда ҳукм сураётган инқироз асосида аввало, ишончсизлик ётган бир шароитда Ўзбекистон тўғри пойдеворга таянган ҳолда ўз келажакни яратаяётганига яққол мисолдир. Бугун транспорт йўлакларни ҳар бир давлат тараққиёти учун жуда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Афсуски, мамлакатимиз, хусусан, минтақамиз давлатлари ҳам жуғрофий жойлашуви туфайли денгизга тўғридан-тўғри чиқа олмайд. Битта мамлакат ҳудуди орқали денгиз йўлларида чиқиш имкониятига эга давлатлар сони 40 дан зиёд бўлса, иккита мамлакат ҳудуди орқали чиқадиغان давлатлар атиги иккита ва улардан бири — Ўзбекистон. Ва бу ҳам табиий равишда Марказий Осиё интеграциясига, унинг марказида жойлашган Ўзбекистон тараққиётига ҳалакат бермоқда. Лекин мамлакатимиз бугунги мураккабликларга қарамай мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида қўшни Афғонистонда тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўлиш орқали стратегик лойиҳалар — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон йўналиши орқали денгиз йўлига коридор очишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон — Қирғизистон — Ҳитой темир йўли нафақат мамлакатимиз, қолаверса, Марказий Осиёни глобал транзит марказига айлантиради. Давлат раҳбари форумдаги нутиқда инвесторлар ва халқаро ташкилотларни бу йирик минтақавий лойиҳаларда қатнашишга қақриб, шу орқали Буюк Ипак

йўлини замонавий асосда қайта тиклашга тақлиф қилди. Албатта, ушбу стратегик лойиҳалар ҳаётлиғи бўлун дунёга катта манфаат келтириши, шубҳасиз.

Юртимиз тажрибаси эътироф этилмоқда

Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари: — Президентимиз форумдаги нутиқда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пайсаяиб бораётгани, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам қутилган умидларни оқламаётгани, 2023 йилда ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайганини қайд этди. Бу фикр ва рақамлар дунёда очик, тенг манфаатли ҳамкорлик бўйича мураккаб вазият юзага келаяётганини аниқ тушунишимизга ёрдам берди. Ҳақли равишда таъкидланганидек, ҳеч бир мамлакат ўткир муаммоларни яқка ҳолда ҳал эта олмаслиғи ҳақидаги ўзгармас ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда. Барчамизни қувонтирадигани Ўзбекистон ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойилига қатъий амал қилиб, юқори натижаларга эришмоқда. Бундай ютуқлар кейинги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсгани, ўтган йилда умумий ўсиш 6 фоизни ташкил этгани, инфляция 9 фоизгача пайсаяганида, пировардида, халқимизнинг даромади ошгани, оила-ларнинг ҳаёти яхшиллангани, иқтисодий фаоллик ортаётганида кўринмоқда. Дунё ҳар қуни ўзгараётган вазиятда ислохотларни тизимли давом эттириш жуда муҳим. Шунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди, “Ўзбекистон —

2030” стратегияси қабул қилинди. Бу ҳужжатда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа муҳим йўналишлар бўйича кенг аҳоли қатламлари фикрлари асосида 100 та вазифа белгилангани халқимиз, давлатимиз дунё давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ҳамкорликка бундан кейин ҳам тайёр эканини аңглатади. 2030 йилгача аҳоли даромадларини икки баробар ошириш, бу кўрсаткич бўйича ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш мақсад қилинган. Фаол ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик билан албатта, бунга эришиш мумкин. Кези келганда таъкидлаш керакки, халқ билан баамаслаҳат, улар билан кенгашиб қабул қилинган қарор ва ташланадиган қадамлар мамлакат учун ҳам, унинг тараққиёти, одамларнинг розилиги учун ҳам ўта муҳим экани ойдинлашди. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси намуна бўлиши мумкинлиги халқаро даражада ҳам эътироф этилмоқда. Нуфузли тадбирда бир қанча мақсадлар, манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича ўстувор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Эътибор берсангиз, уларнинг ҳар бирида янги иш ўринлари, замонавий касб ва соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган. Умуман олганда, бундай истиқболли ташаббуслар самараси ўлароқ яқин бир неча йил ичида Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг кириб келиш қўламини янада ошири. Ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар учун соғлом рақобат муҳити шаклланади. Сифат ҳамда иш ҳажмининг ортishi янги иш ўринларни яратиш, истеъмол бозорини тўлдириш билан бир қаторда, аҳолининг даромади ҳамда турмуш фаровонлиги ошишида ҳам муҳим манба бўлади.

«Халқ сўзи».

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК — БУГУНГИ СИЁСАТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Уч ярим минг йиллик тарихга эга ўзбек давлатчилиги ҳамisha тинчликсеварлиги билан инсоният тамаддунида ўз ўрнига эга бўлган. Мазкур аънаа янги Ўзбекистонни барпо қилишда ҳам изчил давом эттириляётир.

Бугун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий институтларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида умумэтирофдаги халқаро ҳуқуқий нормаларнинг

устувор бўлишига давлат сиёсатининг бош мезони сифатида ёндашмоқда. Бу борадаги ички ва ташқи сиёсатимизда “Хавфсизлиқни таъминлаш ва тинчликсевар давлат барпо этиш” позицияси қатъият билан илгари суриляётгани, инсон манфаатлари устуворлиги ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг изчиллик билан бажарилиши биринчи навбатдаги вазифалардандир.



## Нуктаи назар

Мамлакатимизнинг миллий манфаатлари-га жавоб берадиган ҳамда яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очик, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат юритиш, ўзаро манфаатли икки ҳамда кўп томонлама иқтисодий, илмий, маънавий-маданий алоқаларни кенгайтириш бўйича муайян натижаларга эришилди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим устувор йўналишни дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорлиқнинг мубозанатланган тизимини шакллантиришдан иборат эканлиги таъкидланади.

Ўтган йили янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган иккита йирик ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу муҳим демократик жараёнлардан биринчиси — 30 апрелдаги умумхалқ референдумида янги таҳрирдаги мамлакатимиз Конституцияси қабул қилингани бўлса, иккинчиси, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидир.

Бу муҳим ҳужжатлар, ўз навбатида, жамиятимизнинг сиёсий етуқилигини, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириляётган ислохотлар халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор амалда тасдиқлади. Бинобарин, мамлакатимизнинг янгиланган конституциявий-ҳуқуқий заминидан миллий тараққиётнинг асосий йўналишларини тақомиллаштириш, шиддатли ва кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 17-моддасига мамлакатимиз ташқи сиёсатини ифодаловчи бир қатор ўзгартариш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини мужассам этган. 18-моддада эса Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади, дея белгиланган.

Киритилган ушбу ўзгартариш ва қўшимчалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтирофдаги тамойилларини узида мужассам этган. Зеро, янги Ўзбекистон барча давлатлар билан дўстона ва тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориши билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилиши ва унга оғишмай риоя этишини ҳам ифода қилади.

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати минтақавий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро

манфаатли ҳамкорлиқнинг янги даврини бошлаб берди. БМТ Низомининг 1-моддасида ташкилот аъзолари орасидаги ҳамкорликка эътибор қаратилиб, “инсон ҳуқуқлари ва барчанинг ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, асосий ҳуқуқларининг ҳуқумат томонидан рағбатлантирилиши ва ривожлантирилиши” назарда тутилган. Ушбу тамойилнинг киритилиши инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши таъминляди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини, ўрни ҳамда обрўсини мустаҳкамлаш, барча давлат ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик ҳамда дўстлик муносабатларининг барқарор тизимини барпо этиш, дўстона, тенг ҳуқуқли муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни муттасил ҳамда изчил ривожлантириш мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим вазифалари сирасига қиради. Ташқи сиёсатда тинчликсевар давлат сифатида жаҳонга юзланиш мамлакатимизнинг халқаро майдонда тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка асосланган, юзага келадиган зиддият ҳамда қарама-қаршилиқларни фақат тинч, сиёсий воситалар орқали ҳал этишга қаратилган йўлдан боришини таъминляди.

Қисқача айтганда, янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда дўстона ва тинчликсевар давлат сифатида конституциявий эътироф этилиши унинг дипломатик имижини янада оширишда муҳим ўрин тутлади. Шу боис Конституциянинг Ўзбекистон ташқи сиёсатида оид нормалар халқаро ва давлатлараро муносабатларда янгича ёндашув ҳамда самарали ташқи сиёсий фаолиятни амалга оширишни таъминлашда дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ана шу долзарб ва муҳим талабнинг ҳазиржавоб меваси, таъбир жоиз бўлса, истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини қўзда идодалаган миллий ғоямиздир. Чунки ушбу стратегия халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айлانган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлашга хизмат қилади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қуйдаги устувор йўналишлар белгиланган:

- ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;
- барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

- сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини олиб бориш;
- “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

Бошқача айтганда, ушбу стратегияда белгиланган мақсад-вазифалар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун ўзига хос “Йўл харитаси” вазифасини ўтайди. Мазкур стратегиянинг ижроси ва унинг мақсадли курсаткичларига эришиш давлат органлари ва ташкилотларнинг энг устувор вазифасидир.

Эътибор беринг, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва чора-тадбирлар, устувор вазифалар ижросидан юртимиздаги ҳар бир инсонга қўлай имконият, муайян енгилликлар, моддий-маънавий манфаат етиб, ҳар қайси оила ва хонадон тўкинлик, файз ва барака топади.

Бешинчи устувор йўналиш, яъни “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттиришга қаратилган 11 та мақсад доирасида 63 та чора-тадбир ва 23 та вазифа бажарилади. Хусусан, ташқи сиёсат, Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик, хориждаги ватандошлар, меҳнат миграцияси, Қуролли Кучлар, фавқулодда вазиятлар, миллатлараро тотувлик масалаларига алоқадор 21 та мақсадли курсаткични ишлаб чиқиш ва 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш талаб этилади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш” йўналиши бўйича жорий йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасига мувофиқ, бир қатор вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистонда “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ташкил этиш, Марказий Осиёда минтақавий экологик масалаларни муҳофаза қилишга қаратилган парламентлараро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, стратегик ҳамкорлик шартномаси имзоланган давлатлар билан кенг қамровли алоқа-

ларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлиқни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни изчил давом эттириш шулар сирасига қиради.

Қолаверса, хорижий мамлакатлар ва юртимиздаги бошқа миллат вакиллари билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш, “Дўстлик” фестивалини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Албатта, мазкур вазифаларнинг ўз вақтида ва юқори савияда бажарилиши ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга бел боғлаган давлат хизматчисининг, келажагимиз эгаси бўлган ёшларимизнинг, ҳуллас, барча-барчанинг ҳаёти фаровон бўлишига, эзгу мақсадларимиз амалга ошишига хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон хавфсиз, тинчликсевар ва инсон ҳуқуқини таъминлайдиган давлат сифатида халқаро майдонда ўз сўзига эга. Тинчлик бор жойда эса ривожланиш бўлади, ободлик бўлади. Зотан, доно халқимиз айтганидек, тинчлик билан эл қўқарар, ёлғир билан ер қўқарар. Шундай экан, мамлакатимиз қудратини янада юксалтириш, унинг гуллаб-яшнашига ҳар қачонгидан кўпроқ ҳисса қўиш шу юрт фарзандларининг шарафли бурчи бўлмоғи лозим.

**Муҳсин ҲОЖИЕВ,**  
Гулистон давлат университети ректори,  
техника фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

## БАЗАЛЪТ АСОСЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ҚЎЛЛАШ НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Жиззах вилоятининг Фориш туманида базальт асосли маҳсулотларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўллаш самарадорлиги мавзусида халқаро форум ташкил этилди. Унда йирик бюротмачилар, қурилиш корхоналари, лойиҳалаш институтлари ва бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар вакиллари, маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар иштирок этди. Тадбир қимматли маълумотлар, манфаатли битимлар ҳамда қизгин мулоқотларга бой кечди.

### Форум

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида “Basalt Uzbekistan” кластери фаолияти мисолида базальт маҳсулотлари афзаллиқларини кенг тарғиб этиш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш ҳамда ташқи бозорга чиқишни янада фаоллаштириш бўйича аник вазифаларни белгилаб берганди. Шунга қўра, “Ўзсаноат-қурилишбанк” АТБ ва “Ўзсаноат-қурилишматериаллари” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро форум иштирокчилар учун тажриба алмашиш ҳамда самарали ҳамкорлик муносабати майдонига айланди, десак, мунолага эмас.

— Фориш туманининг Осмонсой қонидида қимматли топилма — базальт тошлари мамлакатимиз саноят тармоғи учун муҳим воқелик бўлди, — дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раиси

маслахатчиси Баҳодир Исмоилов. — “Basalt Uzbekistan” кластери ташаббускорлари томонидан амалга ошириляётган савй-ҳаракатлар эса юртимизда ушбу турдаги янги конларни аниқлашга туртки берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида жами 17 та (345,9 млн. тонна) минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт хомашёси мавжуд кон аниқланди. Уларнинг 82 фоизига қазиб олиш ҳуқуқи берилган бўлса, қолган конларни ўзлаштириш ишлари олиб борилямоқда. Жиззах (30,3 млн. тонна), Қорақалпоғистон (2,2 млн. тонна), Навоий (2,6 млн. тонна), Наманган (310,6 млн. тонна) ва Самарқанд вилоятларидаги (0,2 млн. тонна) конлар шулар сирасига қиради.

Республикада базальт тошидан йилга 194 минг тонналик иссиқлик сақловчи минерал плиталар, 16 минг тонналик базальт толаси ва фибра, 2 минг тонналик базальт арматура-си, 5 минг тонналик композит қувур-



лар ва 9 минг тонналик композит геосеткалар ишлаб чиқарувчи 9 та корхона фаолият юритмоқда. Улардан бири Фориш туманидаги 46,8 гектар майдонини эгаллаган “Basalt Uzbekistan” кластеридир.

Форумда кластернинг бугунги имкониятлари ҳамда режалари тақдимот қилинди. Йилга базальт тошидан олинаётган 177 минг тонна махсус тола ва унинг асосида ишлаб чиқариляётган 42 турдаги маҳсулотларнинг 80 фоизи АҚШ, Буюк Британия, Польша, Италия, Чехия, Грузия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинаётгани кўпчилик эътиборини тортиди.

— Ўзбекистон Президентининг соҳани илмий томонлама ривожлантириш борасида берган қўрсатмалари таҳсинга лойиқ, зеро ҳар қандай кашфиёт ва тараққиёт илм-фан асосида юзага келади, — дейди Қоррея муҳандислик ва қурилиш техно-

логиялари институти профессори Ким Хонг Соп. — Фаолиятимиз қурилиш ва қурилиш материаллари соҳасида амалий тадқиқотларни ривожлантиришга асосланган. Ўтган йилда жамоамиз томонидан қарийб 140 млн. долларлик илмий изланишлар олиб борилди. Ўзбекистонда ҳам “R&D тадқиқотлар маркази”ни ташкил этиб, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда олимлар ўртасида “алоқа занжирини” таъминлаш ҳаракатида-миз. Бу саноат ривожини 5 — 10 йилга тезлаштиради, маҳаллийлаштиришни кучайтиради, илгор технологияларни маҳаллий шароитда қўллаш самарадорлигини оширади.

Форум дастурига қўра иштирокчилар Ўзбекистонда базальт асосида инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳолати ва истикболлари билан таништирилди.

Маҳсулот сифати ва хусусиятлари, лаборатория синовлари ва сертификатлаш, логистика каби маса-

лалар юзасидан фикр алмашилди. Бу борада жаҳон стандартлари, ушбу йўналишда амалга ошириляётган изланишлар ва янгилликлар, илгор технология ва ускуналар тақдироти ташкил этилди.

— Кластеримиз томонидан ишлаб чиқариляётган базальт толаси ҳамда базальт асосидаги маҳсулотлар иссиқ ва совуққа ўта бардошли, енгил ва мустаҳкамлиги боис хорижий давлатларда саноат ва халқ ҳўжалигининг кўпгина соҳаларида кенг қўлланилади, — дейди “Basalt Uzbekistan” компанияси тижорат директори Темур Мамадаминов. — Форум доирасида маҳсулотлар афзалликлари маҳаллий қурувчи, лойиҳачи ва бюротмачиларга ҳам яқиндан таништирилди, уларни жаҳон бозорига харидоргир бўлган корхонамиз маҳсулотларидан самарали фойдаланишга ундади, турри қўллаш бўйича зарур билим ва кўникмалар улашилди.

Тадқиқотчи олимлар иштироки форум аҳамиятини янада оширди. Улар томонидан базальт маҳсулотларининг физик-механик хоссаларини кучайтириш бўйича берилган тавсиялар барча учун қизиқарли бўлди.

Умуман, форум иши давомида илм-фан ҳар қандай соҳада сифатни ошириш, ишлаб чиқариш корхоналарида тадқиқот эҳтиёжини қаноатлантириш ва технология жиҳатдан тиргақ бўлишини яна бир бор исботлади.

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ахборот хизмати.**

Хизматлар лицензияланган.

## ҚИСКА САТРЛАРДА

### Ҳуқуқий масалалар бўйича фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Хусусан, Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортикова Ўсири Абдиҳ бошчилигидаги Халқаро валюта жамғармаси делегацияси билан учрашди.

Мулоқотда ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашиш бўйича қўриляётган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

### Илмий изланишлар йўлидаги илк одимлар

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Тил ва адабиёт: илмий ва амалий изланишлар йўлидаги илк одимлар” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда талабалар “Устоз — шогирд” аъна-наси асосида ўз устозлари билан биргаликда тилшунослик, адабиётшунослик, жаҳон адабиёти, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, амалий филология, фольклоршунослик ҳамда шевашунослиқнинг долзарб муаммолари юзасидан тайёрлаган илмий маърузалари билан қатнашди.

### «Инсон учун!»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда “ЎзэкспоМарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “Инсон учун” республика савдо кўргазмаси ташкил этилди.

Унда ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи, ҳодимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат 200 нафар тадбиркор ва хунарманд мебель ва текстиль, пойабзал, спорт, техника, полиграфия, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.

### Илдизи асрларга туташ Сурхондарё

Термиз шаҳрида “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали доирасида “Сурхон воҳасининг инсоният цивилизациясидаги ўрни: моддий ва номоддий маданият асослари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Маҳаллий ҳамда хорижлик олимлар, илмий тадқиқотчилар иштирок этган ушбу тадбирда Сурхондарёнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, дунё тарихи ҳамда маданиятидаги мавқеи, шунингдек, ўлканинг моддий ва номоддий маданият асосларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш, ўзбек ҳамда бошқа халқлар тарихини илмий ўрганиш, ўзаро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама қилинди.

**«Халқ сўзи» ва ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.**

## Халқаро тоифадаги ҳакам Равшанбек Мирзаев «Париж — 2024» беллашувларида дунёнинг энг кучли атлетлари иштирокидаги баҳсларни баҳолаб боради.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

155N 0010-678A

4 770030 678004

Тахриратта келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахриратта марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Шерназаров.

Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 02.00

Топширилди — 04.10

1 2 3 4 5 6